

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019. Тиб.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИСКАНДАРОВ АЗИЗ БАХРОМОВИЧ

**ИПАКЧИЛИКДА ВА ИПАККА ИШЛОВ БЕРИШ САНОАТИДА
МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
БЎЛГАН КАСАЛЛИКЛАР РИВОЖЛАНИШ ХАТАРИНИНГ
ПРОГНОЗИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Искандаров Азиз Бахромович

Ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш саноатида
меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ
бўлган касалликлар ривожланиш хатарининг прогнози
ва профилактикаси..... 3

Искандаров Азиз Бахромович

Гигиена труда в шелководстве и шёлкообрабатывающей
промышленности, прогноз и профилактика риска развития
производственно-обусловленных заболеваний..... 29

Iskandarov Aziz Bakhromovich

Occupational health in sericulture and silk processing
industry, prognosis and prevention of the risk of
production – related diseases..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019. Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИСКАНДАРОВ АЗИЗ БАХРОМОВИЧ

**ИПАКЧИЛИКДА ВА ИПАККА ИШЛОВ БЕРИШ САНОАТИДА
МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
БЎЛГАН КАСАЛЛИКЛАР РИВОЖЛАНИШ ХАТАРИНИНГ
ПРОГНОЗИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.DSc/Tib417 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тиббиёт академиясининг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Адиллов Утқир Халилович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Эрматов Низом Жумакулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Усманов Ислам Аббасович
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим
Тухтаров Баҳром Эшпазарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот: Қозон давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «03» 03 да соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 827 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-кават, 7 хона. Тел./факс: (99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2022 йил «15» 02 кун тарқатилди.
(2022 йил «15» 02 даги 4 рақамли реестр баённомаси)



Шайхова
Г.И. Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимухамедов
Д.Ш. Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори

Саломова
Ф.И. Саломова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда профилактик тиббиётни ривожлантиришнинг замонавий босқичида тадқиқотни етакчи йўналиши бўлиб, «..ишловчи аёлларни касбий таҳликалардан ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш муаммоларини ҳал қилишга илмий асосланган ёндашувларни ишлаб чиқиш, янги модернизациялашган корхоналарда зарарли ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлигини ҳамда уларнинг организмнинг функционал ҳолатига таъсирини баҳолаш баробарида унинг ножўя таъсир кўрсатишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш...»¹ ҳисобланади. Ипакчилик ва ипакка ишлов бериш саноати Ўзбекистонда халқ хўжалигини энг ривожланган соҳаларидан бири ҳисобланади, яъни у ерда аёлларни катта контингенти иш билан банд. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ипакчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли таркибий ўзгаришлар амалга оширилган. Шу сабабли ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг башоратлаш профилатик тиббиётнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактикасига йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада замонавий гренаж, ипак йигириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароитини ўрганиш, ишлаб чиқаришнинг ножўя омиллар, зарарлилик ва хавфлилик даражаси бўйича таснифлашни, таҳлика далилларининг салмоқдорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ишловчи аёллар саломатлигига бўлган касбий таҳликани, меҳнат шароитининг гренаж, ипак йигириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчи аёлларнинг иш қобилияти ва рухий-ҳиссий ҳолатига таъсир кўрсатишини, бирламчи реакцияларни кўрсаткичи сифатида аёллар организмдаги ҳар хил тизимларнинг функционал ҳолатини тавсифловчи физиологик реакцияларнинг ўзгариши динамикасига таъсирининг ўзига хос хусусиятларини, аёлларнинг меҳнат шароитини соғломлаштириш, меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини оқилона ташкил этиш, иш қобилиятини сақлаш, умумий ва касбий касалланиш даражасини пасайтириш бўйича гигиеник тавсияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

¹ Изатов М.В. Совершенствование технологии первичной обработки коконов с целью сохранения природных свойств шелка-сырца в условиях Таджикистана, автореферат канд. дис. -Душанбе, 2019. -25 с

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, атроф-муҳитнинг турли зарарли омиллардан ҳимоя қилиш, даврий равишда аҳоли саломатлик ҳолатини ҳимоялашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш санотида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг башорати ва олдини олиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 2 сентябрдаги 6059-сон «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2018 йил 12 январдаги ПҚ-3472-сон «Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 январдаги 4567-сон «Пиллачилик тармоғида ипак курти озуқа базасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 9 июлдаги 5178-сон «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 18 декабрида ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш санотида меҳнат гигиенаси, ишлаб

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.uv.es, www.unav.edu, www.aegean.gr, www.rivm.nl, www.utm.my, www.sibs.cas.cn, www.wit.edu.cn, www.unimelb.edu.au, www.yonsei.ac.kr, www.hi.is, www.miun.se, www.bristol.ac.uk, www.keele.ac.uk, www.ujaen.es, www.umontreal.ca, www.ucd.ie, www.taibahu.edu.sa, www.sysin.ru, www.uefs.br, www.toko.edu.tw, tu-dresden.de, www.ui.ac.id, www.universityofcalifornia.edu; www.vanderbilt.edu; www.rutgers.edu; www.ouhsc.edu; www.umich.edu;

чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактикасини амалга оширишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: West Virginia University, University of California (АҚШ); University of Technology Dresden (Германия); South China University of Technology, University Zhangzhou (Хитой); University of Karachi (Покистон); University of Montreal Quebec Canada (Канада); University Tamil Nadu India Maharajah's Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон); Universidad de Jaén Spain (Испания); University Manitoba (Канада); University United Kingdom (Буюк Британия); University Bristol (Англия) University of Middle Sweden (Швейцария); Korea Occupational Safety and Health Agency (Жанубий Корея); Universidade Estadual de Feira de Santana (Бразилия), Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтида олиб борилмоқда (Ўзбекистон).

Ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш санотида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактикани яхшилашга қратилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: IBM SPSS дастури асосида Андхра-Прадеш штатидаги ишчиларнинг саломатлик ҳолати, шикоятлари, касалланиш даражаси ва ҳавф омилларининг иш шароити, юкламалар даражаси боғлиқлиги исботланган (Maharajah's Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон); *Vombux mori* L. ипак курти ғумбакларини истеъмол қилган ҳайвонларда ривожланадиган аллергик касалликларнинг штаммлари баҳоланган South China University of Technology (Хитой); ривожланаётган мамлакатларида ёшларнинг ишга жалб қилишини, меҳнатининг қиймати, ишчиларнинг иш шароитида меҳнат гигиенасига риоя қилмаслик ҳолатлари касбий жароҳатланиш ва касбий ногиронликка олиб келиши исботланган University of Karachi (Покистон); ипак йигириш корхоналари ишчиларнинг иш шароити ва атмосфера ҳавосини таркибини ўзгариши билан боғлиқ асаб тизимининг касалликлари зўрайиши ҳавфи билан ўзаро боғлиқлик даражаси исботланган University Manitoba (Канада); ҳавф омилларининг таъсирида ишчиларда турли соматик касалликларнинг ривожланиши ва ногиронликка олиб келиши асосланган Erasmus University Rotterdam (Голландия), Universidade Federal do Rio Grande do Sul (Бразилия); ишлаб чиқариш жараёнида техника ҳавфсизлигига риоя қилмаслик ҳолатларнинг юқори таҳлика омиллари ва ўлим ҳолатига олиб келиш омиллари баҳоланган Korea Occupational Safety and Health Agency (Жанубий Корея); ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш санотида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқилган Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон).

Дунёда ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш санотида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактикаси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароити, ишлаб чиқаришнинг ножўя омиллари даражасини, уларни зарарлилик ва ҳавфлилик даражасини таснифлаш; гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароитининг йилнинг турли фаслларида, бирламчи реакцияларни кўрсаткичи сифатида аёллар организмидаги ҳар хил тизимларнинг функционал ҳолатини тавсифловчи физиологик реакцияларнинг ўзгариш динамикасига таъсирининг ўзига хос хусусиятларини асослаш; гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида банд бўлган аёлларнинг меҳнат шароитини соғломлаштириш, меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини оқилона ташкил этиш, иш қобилиятини сақлаш, умумий ва касбий касалланиш даражасини пасайтириш бўйича гигиеник тавсияларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарини ножўя ишлаб чиқариш омилларини ишловчи аёлларни организмини турли тизимларини функционал ҳолати динамикасига, уларни руҳий-ҳиссий ҳолатига, ишлаш қобилиятига таъсир қилиши ҳақида маълумотларни мавжуд эмаслигини, касби тақозо қиладиган касалликларни ривожланиш хатарини баҳолаш ҳақида маълумотлар йўқлигини, меҳнат шароитини оптималлаштириш, меҳнат ва дам олиш режимини оқилона ташкил қилиш бўйича меъёрий-услубий ҳужжатларни мавжуд эмаслиги аниқланди. Ипак ва гренаж ишлаб чиқариш корхоналарида асосан технологик операцияларда ҳосил бўладиган чангни ва ишчиларни касалликлари хусусиятлари тасвирланган хорижий муаллифларни етарли даражада ишлари мавжуд. Пилла, тут ипак капалаклари билан ва уларга қайта ишлов бериш маҳсулотлари билан ишлаганда ҳосил бўладиган чангни анафилактоген ва сенсibiliзация хусусияти организм реактивлигини бузилишини, ножўя иммун силжишларни ва аллергик касалликларни юзага келтириши Грузия, Молдавия, Украина, Туркманистон муаллифлари ишларида ёритилган (Кулиева Б.К., 1991; Розыева А.А., Белкина Б.Г., Агаева Р.К., Хамраева Д.А., 1985; Херодинашвили А.З., Цабадзе В.М., Бояхчева О.Р.1973). Ипак ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчиларда касбий респиратор ва дерматологик патология ривожланиши тўғрисида маълумотлар мавжудлиги Грузия, Туркманистон, Италия, Пуерто Рико ва Америка олимлари ишларида кўрсатилган (Ломтатидзе Н.Г.,1973; Carnevale F., Baldasseroni A. 2003; Chen Y., Shi Y.Wang S., Lin Z., 2004; Shi J, Mehta A.J., Zhang H. X. He-lian Dai H.L., Su L., Eisen E.A.,2010). Хитойни Шанхай ипак ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчи аёлларда ўпка раки ва бошқа касбий касалликларни ривожланиш хатари тўғрисида АҚШ олимлари ишларида ёритиб берилган (Checkoway H., Ray R.M., Lindin Y.I., Astrakianakis G., Seixas N.S., Camp Y.E., Wernli K.Y., Fitgibbons T.D., Li W.,

Feng Z., Gao D.L. Thomas D.B., 2010; Meshram TT, Murarka KI. 2017). Аналогик маълумотлар Италия олимлари томонидан келтириб ўтилган (Mastrangelo G., Fedeli U., Fadda E., Milan G., Lange Y.H., 2002). Шунингдек, иссиқ иқлимли шароитида жойлашган ипак ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчи аёлларни касалланиш даражаси бошқа жойларга қараганда анча юқори эканлиги аниқланган (Singh M.B., Fotedar R., Lakshminarayana J., 2005). Келтирилган ишларни натижалари ипак ишлаб чиқариш соҳасида ишловчи аёлларнинг меҳнат гигиенаси ва саломатлигини муҳофаза қилишни махсус чора-тадбирларини илмий асослашга ва ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотларни кучайтириш даркорлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда турли саноат корхоналаридаги зарарли омиллар ва меҳнат шароитларининг ишчилар саломатлик ҳолати ва касалланиш даражасига таъсирини гигиеник баҳолашга қаратилган қатор илмий тадқиқоти ишлари бажарилган (Н.М.Демиденко, 2002; Т.И.Искандаров, 2018; Д.М.Хаширбаева, 2018; У.Х.Адилов, 2019), бироқ, ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш санотида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг башоратлаш ва олдини олишга қартилган гигиеник тадбирлар мажмуаси такомиллаштирилмаган.

Ҳозирги вақтгача республикамизни замонавий, модернизациялашган гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш корхоналарида аёллар меҳнат гигиенаси масалалари ўрганилмасдан қолмоқда, зарарли ишлаб чиқариш омилларнинг даражаси ўрнатилмаган, уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликларни ривожланиш хавфига, ишлаётган аёллар организмини турли тизмларини физиологик реакцияларига таъсир кўрсатиш даражаси аниқланмаган, иш динамикасида аёллар организмини иш қобилияти даражасида, функционал, руҳий-эмоционал ҳолатида ноҳўя силжишларни шаклланиш қонуниятлари аниқланмаган. Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу илмий ишни дозарблиги замонавий ипак ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаётган аёлларни меҳнат шароитини яхшилашга, саломатлигини ва иш қобилиятини сақлашга қаратилган янги юксалган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш зарурияти билан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликларни ривожланиш хатарини камайтириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ П-14.4.18 «Ўзбекистон Республикасининг ипак тўқиш саноатида банд бўлган аёлларнинг меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва ишлаб чиқариш омилларининг улар организмига ноҳўя таъсирининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш» амалий грант лойиҳаси (2003 – 2005 йиллар) доирасида ва ДИТД-АТД-11 «Тиббиётда мавжуд технология ва усулларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш асосида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш» дастурига мувофиқ ИТСС-24-6 «Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги ипак қуртини олиш, тайёрлаш (гренаж)

ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган аёллар организмининг функционал тизимининг касб билан боғлиқ патолгиядан олдинги ҳолатини башорат қилиш ва олдини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш» амалий грант лойиҳалар (2012-2014 йиллар) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: касбий таҳлика даражасини ва аёллар организмининг функционал ҳолати динамикасини баҳолаш асосида республикамиздаги замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш омилларининг ножўя таъсирини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароитини, ишлаб чиқаришнинг ножўя омиллари даражасини баҳолаш ҳамда уларни зарарлилик ва хавфлилик даражаси бўйича таснифлаш;

таҳлика далилларининг салмоқдорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ишловчи аёллар саломатлигига бўлган касбий таҳликани баҳолаш;

меҳнат шароитининг гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчи аёлларнинг иш қобилияти ва руҳий-ҳиссий ҳолатига таъсир кўрсатиш қонуниятларини баҳолаш;

гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароитининг йилнинг турли фаслларида, бирламчи реакцияларни кўрсаткичи сифатида аёллар организмидаги ҳар хил тизимларнинг функционал ҳолатини тавсифловчи физиологик реакцияларнинг ўзгариш динамикасига таъсирининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида банд бўлган аёлларнинг меҳнат шароитини соғломлаштириш, меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини оқилона ташкил этиш, иш қобилиятини, умумий ва касбий касалланиш даражасини пасайтириш бўйича гигиеник тавсияларни ишлаб чиқиш, гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналари учун Ўзбекистон Республикаси санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиеник нормативларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамизни замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида 2012-2021 йиллар давомида асосий касбий гуруҳларида ишловчи аёлларнинг меҳнат шароити ва мазкур ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчи аёллар организми функционал ҳолатининг динамикаси баҳоланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарининг иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити омилларини миқдорий тавсифи (кимёвий, физик омиллар, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўрикқанлиги) ва асосий касбий гуруҳлари аёлларининг организмидаги турли (марказий асаб, юрак-қон-томир, асаб-мушак, терморегулятор, кўриш анализатори, диққат-эътибор функцияси) тизимларнинг руҳий-ҳиссий ва функционал ҳолати, иш қобилиятининг ўзгариш динамикасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг материаллари

олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш санотида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактикаси амалга оширишда гигиеник, хронометраж, ижтимоий, физиологик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш саноатининг зарарли ишлаб чиқариш омиллари даражаси аниқланган, саломатлик бузилишининг касбий хавфини баҳолаш ва башоратлаш билан асосий касбий гуруҳлар ишчиларининг меҳнат шароитларини зарарлилик ва хавфлилик даражаси бўйича таснифланган;

замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида юқори даражадаги шовқин, ишчи ҳудуд ҳавосида папильонаж ва ипак чангини мавжудлиги, ноқулай микроиклим, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқишини тақозо этувчи ноқулай меҳнат шароитининг шаклланиши исботланган;

замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароити ва меҳнат жараёни тавсифи ишловчи аёлларда касбий касалликларнинг ривожланиши таҳликасига сабаб бўлиши ҳамда соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни зарур эканлиги асосланган;

замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналаридаги ноқулай ишлаб чиқариш омиллари аёлларнинг ишлаш қобилияти пасайиши ва уларнинг руҳий-ҳиссий ҳолати ёмонлашишига сабаб бўлиши исботланган ҳамда аёлларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини оқилона ташкил қилишнинг гигиеник ва профилактик тадбирларининг механизми ишлаб чиқилган;

замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш операцияларининг бажарилиши аёллар организмидаги турли тизимларнинг функционал ҳолати кўрсаткичларида ножўя силжишларни келтириб чиқариши, ушбу силжишлар йилнинг иссиқ даврида кучайиши ва айрим кўрсаткичлар бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ортиб кетиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аёл ишчилар организмнинг турли тизимларини, руҳий-эмоционал статусини ва иш қобилиятини функционал ҳолати кўрсаткичларини ножўя ўзгаришлари ишлаб чиқариш омиллар ва меҳнат жараёни даражаси билан боғлиқлиги баҳоланган;

гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат шароитини соғломлаштириш ва касалликларни олдини олиш мақсадида услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган ва аҳолини санитар эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати амалиётида фойдаланилган;

олинган илмий натижалар ипак ишлаб чиқариш корхоналарида ва ипакка ишлов бериш саноатида огоҳлантирувчи ва жорий давлат санитар назоратни сифатини ошириш имконини берган;

меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини оқилона ташкил қилиш бўйича тавсиялар, меҳнат шароитини соғломлаштириш бўйича услубий тавсияномаларни асосига киритилган бўлиб, республикамиздаги замонавий гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлигини оширишига хисса қўшган;

олинган илмий натижалар гренаж, ипак йиғириш ва ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарини муҳофаза қилиш хизмати томонидан соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, хронометраж, ижтимоий, физиологик, статистик тадқиқот усуллари асосида ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактикасини баҳолашнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ипакчилик ишлаб чиқариш корхоналарини зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ишловчи аёллар организмнинг марказий асаб, юрак-қонтомир, асаб-мушак, терморегулятор тизимлари кўрсаткичларининг кун давомидаги салбий ўзгаришлари динамикасига таъсир кўрсатиш механизмларини очиқ берилганлиги, касбий таҳликани баҳолаш бўйича олинган маълумотлар касби тақозо этган касалликларнинг ривожланиши мумкинлигини башоратлаш имконини берганлиги, бунга республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирини модернизациялаш билан боғлиқ ҳолда меҳнат тиббиётини ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳисса деб қараш мумкинлиги, ишлаб чиқилган ҳолатларни меҳнат тиббиётидаги янги йўналиш сифатида малакалаштириш мумкин бўлганлиги, унинг мақсади замонавий юқори технологик ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароитини баҳолаш ва ишловчилар организмига ишлаб чиқариш муҳитидаги салбий омиллар таъсирини пасайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар тизимини яратишга асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Гренаж ишлаб чиқариш корхоналарида банд бўлган аёллар организмнинг функционал ҳолати ва меҳнат гигиенаси» номли монография «Организмнинг касбий боғлиқ бўлган патологик олди ҳолатларини башоратлаш моделини ишлаб чиқиш ва профилактик тадбирларини асослаш» номли ўқув-услубий қўлланма ишлаб

чиқилганлиги, улар тиббиёт олий ўқув юртларининг гигиена кафедраларига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиши. Ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактикасини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг башорати ва профилактикасини амалга ошириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Шойи тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарда ишлаётган аёлларни меҳнат шароитини соғломлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-з/536-сон маълумотномаси). Натижада шойи тўқиш ишлаб чиқариш корхоналарда ишлаётган аёлларни меҳнат шароитини соғломлаштириш, шойи чанги ва бўёқларнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва аёлларнинг юқори ишлаш қобилияти ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликларни ривожланишини олдини олиш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаётган аёлларни меҳнат шароитини соғломлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-з/536-сон маълумотномаси). Натижада ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаётган аёлларнинг меҳнат шароитини соғломлаштириш, микроиклим кўрсаткичларнинг салбий ҳолатини олдини олиш, ишчиларнинг функционал ҳолатини яхшилаш имконини берган;

ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактикаси бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Гренаж корхоналарида ишлаётган аёлларнинг меҳнат шароитини мақбуллаштириш йўллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-з/536-сон маълумотномаси). Натижада гренаж ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаётган аёлларнинг меҳнат шароитини мақбуллаштириш йўлларни ишлаб чиқиш ва улар орасида касбий касалликларни олдини олиш имконини берган;

ипакчиликда ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касалликлар ривожланиш хатарнинг прогнози ва профилактикаси бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг Тошкент шаҳар ва Навоий вилояти бўлимларининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 08-09/21256-сон маълумотномаси). Натижада ипакчилик ишлаб чиқаришда

ишловчи аёлларнинг меҳнат шароитини соғломлаштириш, зарарли ишлаб чиқариш омиллари даражасини пасайтириш, организмдаги турли функционал тизимлар кўрсаткичларининг барқарорлашуви, юқори меҳнат қобилияти даражасини сақлаб қолиш ва меҳнат жараёнларининг толиқтирувчанлигининг пасайишига олиб келган гигиеник чора–тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 165 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ипак ишлаб чиқариш корхоналарида ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат қилаётган аёлларни меҳнат гигиенасининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистонда ипакчилик ва ипакка ишлов бериш ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат шароитининг ишловчилар организмига таъсири ҳақида илгари ўтказилган ишлар тўғрисида маълумотлар берилган; ипакчилик ва ипакка ишлов бериш саноатида касбий таҳлика ва касалланиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ипак ишлаб чиқариш корхоналарида ва ипакка ишлов бериш саноатида меҳнат қилаётган аёлларни меҳнат гигиенасини баҳолашнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, ҳажми ва тадқиқот услублари кўрсатилган, қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун фойдаланилган санитар-гигиеник, лаборатория-асбобли, физиологик усуллар тавсифланган.

Тадқиқотлар Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Озод, Ўзбекистон ва Хонқа фермер хўжаликларида, Оққўрғон ва Навоий гренаж заводларида, Намангандаги «Силк Роад» ҚК да ва «Атлас» АЖ да, Марғилондаги «Турон шойиси» АЖ да ва «Ипак газлама».АЖ да ўтказилган.

Тадқиқотлар объекти бўлиб 19–40 ёшдаги 1 дан 20 йилгача иш стажига эга бўлган ишчи аёллар; юқорида айтиб ўтилган ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнатни гигиеник шароитлари (микроиклим, чанглилик, газлилик, ёритилганлик, шовқин ва тебраниш даражаси) бўлган.

Микроиклим шароити ва иссиқлик оқимларининг шиддати йил мавсумлари бўйича умумқабул қилинган услублар ва асбоблар (психрометр, актинометр, шарли термометр, анемометр, ТКА-ПКМ) қўллаган ҳолда тадқиқ этилган. Организмга иссиқлик юкламасининг шиддати интеграл кўрсаткич-WBGT ҳарорат индекси бўйича ҳисоблаб чиқилган.

Ҳавонинг чанглилигини гравиметрик усулда ЎзР нинг 0294-11-сонли СанҚваМ бўйича баҳолаш билан аниқланган. Чангда эркин кремний диоксиди миқдорини (фотометрик усулда) ва чангнинг дисперслик даражаси (микроскопия усулида) баҳоланган. Чангли патологиянинг таҳликаси «Чанг этиологияли касбий касалланишни чанг юкламасига боғлиқ равишда гигиеник башоратлаш» услубий тавсияларига мувофиқ аниқланган.

Иш жойларининг ёритилиши ТЁК бўйича ва Ю-116 люксметрида ўлчанган ҳамда ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» бўйича ёритиш даражаси асосида баҳоланган.

Шовқин даражаси RFT асбоби билан ҚМҚ 2.01.08-96 «Шовқиндан ҳимоялаш»га мувофиқ ўлчанган, натижаларни баҳолаш эса ЎзРнинг 0120-01-сонли СанҚваН бўйича ўтказилган.

Тебраниш даражаси ВШВ-003-МЗ асбоби билан ўлчанган, уни баҳолаш эса ЎзРнинг 0122-01-сонли СанҚваН бўйича бажарилган.

Аёллар меҳнатининг оғирлик даражаси ва зўриқтирувчанлиги «Иш жойларини аттестациядан ўтказишда меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқтирувчанлигини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар» (Тошкент, 2004) га мувофиқ баҳоланган.

Меҳнат шароитини умумий баҳолаш ЎзР нинг 0141-03-сонли СанҚваНга мувофиқ, касбий таҳлика даражаси эса «Ишловчиларнинг саломатлиги учун касбий таҳликани баҳолаш бўйича қўлланма» (Москва, 2004) га мувофиқ ўтказилган.

Ишловчилар организмга меҳнат шароитининг таъсирини баҳолашда иш кунини хронометраж қилиш («қўпол фотография» усули) ўтказилган; аёлларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини субъектив баҳолашда «САН» жадвали бўйича сўровнома усулидан фойдаланилди; марказий асаб тизими, юрак-қон томир, асаб-мушак ва терморегулятор тизимлар функционал ҳолатининг асосий кўрсаткичлари (хронорефлексометрия, корректур синамалар, ёруғлик милтиллашлари қўшилиб кетишининг критик сони кўрсаткичи (ЁМҚККС), юрак уришлари сони, артериал босим, динамометрия, тери электротермометрияси, терининг электр қаршилигини аниқлаш) баҳоланди. Барча функционал кўрсаткичлар иш куни давомида

тадқиқ этилган, уларнинг ўзгаришлари дастлабки (фонли) кўрсаткичлар билан қиёслаш орқали баҳоланган.

Вариацион статистикани умумий қабул қилинган услубларидан ҳам фойдаланилган, фарқларни ишончлилигини баҳолаш Стъудентнинг t-критерийси бўйича ўтказилган. Статистик маълумотларни ишлов қилиш «Microsoft Excel» дастуридан фойдаланган ҳолда ўтказилган

Диссертациянинг «Тут ипак қуртларини боқишда меҳнат шароитини тавсифи, уларни ишловчи аёллар организминини функционал ҳолатини динамикасига таъсир кўрсатиши» деб номланган учинчи бобида технологик жараённинг қисқача тавсифи берилган, ҳавонинг чанглилик ва зарарли газлар билан тўйиниш даражаси, микроқлим, шовқин, тебраниш, ишлаб чиқаришнинг ёритилганлиги, меҳнат жараёнларининг оғирлиги ва зўриққанлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида тут ипак қуртини сара уруғларини ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлган ишчилар ишчи муҳитнинг ножўя омиллари мажмуасини таъсири остида бўлишлари аниқланган (чанглилик, кимёвий моддалар, қиздирувчи микроқлим, етарли бўлмаган ёритилганлик, меҳнат жараёнларини оғирлиги ва зўриққанлиги). Тут ипак қуртини боқувчиларини иш жойларида чангнинг ўртача даражаси $6,74 \pm 0,06$ мг/м³ ни ташкил қилади, яъни РЭД (рухсат этилган даража) дан 1,12 марта ошади, аммиак - $22,2 \pm 0,7$ мг/м³, яъни РЭД дан 1,1 марта ошади, водород сульфиди - $13,0 \pm 0,56$ мг/м³, яъни РЭД дан 1,3 марта ошади, углерод оксиди - $14,3 \pm 1,4$ мг/м³ (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал


Ипак қурти етиштириладиган ишчи соҳа ҳавосидаги чанг ва кимёвий моддалар концентрациясининг кўрсаткичлари

кўрсаткич, мг/м ³	Ўлчовлар сони	Мин.-Макс. кўрсаткич	М ўр.	σ	±m
чанг	232	5,8-7,4	6,74	0,38	0,06
аммиак	80	17,5-25,4	22,2	2,36	0,7
дигидросульфид	86	11,2-17,56	13,0	1,9	0,56
углерод оксиди	85	7,1-23,25	14,3	4,85	1,4

Ипак қурти боқувчиларнинг (ипак қурти етиштирувчилар) меҳнат жараёни меъёрлаштирилмаган, катта жисмоний зўриқиш, монотонлик, тунги ишда меъёрлаштирилмаган иш куни билан тавсифланади.

Ишлаб чиқаришни гигиеник омилларини ҳаммасини бирлаштирганда тут ипак қуртларини боқувчиларни ва гренаж заводи ишчи аёлларини меҳнат шароити 3-даражали зарарлиликнинг 3-синфига мансуб.

Ишчи аёлларни руҳий-эмоционал ҳолатини текширув натижалари шуни кўрсатдики, яъни стажни ошиб бориши билан ипак қуртларини боқувчи аёлларни ўзини ҳис қилишини (аҳволини) субъектив баҳолаш ёмонлашади (1-расмга қаранг).



1- расм. Иш стажига боғлиқ ҳолда тут ипак қуртларини боқувчи аёлларни рухий-эмоционал ҳолати кўрсаткичлари

Шундай қилиб, агарда иш стажи 5 йилгача бўлса ва ундан камроқ бўлса ўзини ҳис қилишини, аҳволини ўртача 1,8-1,9 балл деб баҳолашган, агарда иш стажи 10 йилдан ортиқ бўлса ушбу кўрсаткич $2,34 \pm 0,76$ баллгача ошиб борган, агарда иш стажи 25 йилдан кўп бўлса $2,96 \pm 0,97$ баллгача ошиб борган. Текширувдан ўтганларни барча стажга эга гуруҳларни фаоллиги 5,4-6,3 балл деб баҳоланган, шундай қилиб етарлича юқори бўлган, кайфияти эса 1,4 дан 1,65 баллгача баҳоланган. Шундай қилиб, тут ипак қуртларини боқиш бўйича иш стажини ошиб бориши ишчи аёлларни фаоллик ва кайфият ҳолатига таъсир кўрсатмайди, аммо ишончли равишда ($p < 0,001$) ўзини ҳис қилиш ҳолатига ўзига-ўзи баҳо бериши ёмонлашади.

Шу нарса исботланганки, қурт етиштирадиган хоналарда тут ипак қуртини боқувчи аёлларда юрак-қон-томир тизимлари кўрсаткичларини ўзгаришини гипертензив йўналтирилганлиги кузатилади, яъни систолик, диастолик, пульсли, ўртача-динамик артериал босимни кўтарилиши билан намоён бўлади, шунингдек капиллярларда периферик қаршиликни ошиб кетиши билан, юрак қисқаришлари сонини тезлашиши билан, шунингдек систолик каби қоннинг минутлик ҳажмини камайиши билан рўй беради, ушбу ҳолатларнинг барчаси юрак-қон-томир тизимини функционал захираларини ҳолдан тойганлиги билан баҳоланади.

Ипак қурти боқувчиларида иш кунининг бошидан охиригача тормозланиш жараёнларининг устунлиги ривожланиб, толиқишни кўрсатади.

Ипак қурти боқувчилари томонидан бажарилган ишлар қўлларнинг кучи ва мушакларнинг чидамлилигининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади, бу эса ривожланаётган ишлаб чиқаришдаги толиқишдан

далолат беради; иш жараёнида улар қўл треморининг кўпайишига эга, бу эса координация функцияси барқарорлигининг пасайишидан далолат беради.

Диссертациянинг «Гренаж заводларда меҳнат шароитини тавсифи, уларни ишловчи аёллар организмни функционал ҳолатини динамикасига таъсир кўрсатиши» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида сара ипак қурти етиштириш билан шуғулланадиган ишчилар иш муҳитининг ноқулай омиллари (чанглилик, кимёвий моддалар, қиздирувчи микроиклими, ёруғликнинг етарли эмаслиги, меҳнат жараёнларининг оғирлиги ва зўриққанлиги) таъсирига дучор бўлишларини кўрсатадиган маълумотларни тақдим этади. Гренаж ишлаб чиқаришнинг энг хавфли ишлаб чиқариш омили ишчи зона ҳавосининг папильонаж чанги билан ифлосланиши эканлиги аниқланди. Папильонажчи аёл ишчиларнинг иш жойларида чангнинг ўртача сменали даражаси $6,58 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил қилади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Гренаж заводларининг папильонаж цехларида аёл ишчиларнинг ишчи соҳа ҳавосидаги чанг кўрсаткичлари (мг/м^3)

Ўлчаш жойи (технологик жараён босқичи)	Ўлчовлар сони	Мин.-Макс. кўрсаткич	М ўр.	σ	$\pm m$
пиллани бошини кесиш	15	2,6-4,46	3,43	0,92	0,13
ғумбакларни жинсига қараб бўлиниши	15	3,9-7,0	5,3	0,9	0,24
капалаклар рамкасига эркак капалакларни урғочиларга ўтказиш	15	4,3-7,3	6,03	0,8	0,21
эркак жинсдаги эркин капалакларни рамкалардан олиб ташлаш	15	5,53-6,76	6,18	0,77	0,2
капалакларни жуфтлаштириш	15	4,4-7,4	6,52	0,86	0,23
эркак жинсли капалакларни рамкадан олиб ташлаш	25	8,0-16,4	12,05	2,13	0,57

Гренаж ишлаб чиқаришда ишлайдиган аёлларнинг меҳнат шароитлари 3-даражали зарарлиликнинг 3-синфига мансуб, саломатлик учун касбий хатар тоифаси юқори (ўтказиб бўлмайдиган).

Гренаж заводида папильонажчи бўлиб ишлайдиган ишчи аёлларини иш куни динамикасида руҳий-эмоционал ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, яъни ўзини ҳис қилиш ҳолатига ўзига-ўзи баҳо бериши ишончли равишда ($p < 0,001$) ёмонлашади $1,77 \pm 0,07$ иш бошлаганда $2,8 \pm 0,13$ балл, тушликдаги танаффусда ва $3,07 \pm 0,13$ баллгача иш куни охирида, шундай қилиб иш динамикасида ишчи аёлларда ўзини қис қилиш кўрсаткичи фонлидан ишчи даражагача 71,1% гача ёмонлашади (3-жадвалга қаранг).

Гренаж заводини папильонаж цехларида ишловчи аёлларнинг рухий-эмоционал ҳолати кўрсаткичларини динамикаси

«САН»тести кўрсаткичлари	Фонли ишгача бўлган кўрсаткичлар	Тушлик танаффусидан олдин	Иш охирида	Ишончлилик	
1	2	3	4	5	6
	M±m	M±m	M±m	t	p<2-4
Ўзини ҳис қилиши	1,77 ± 0,07	2,80 ± 0,12	3,07 ± 0,13	9,28	0,001
Фаоллик	5,52 ± 0,012	4,88 ± 0,11	5,05 ± 0,13	3,35	0,001
Кайфият	1,53 ± 0,08	1,95 ± 0,06	3,80 ± 0,07	25,5	0,001

Иш куни динамикасида юрак-қон-томир тизимини функционал ҳолати бошқаруви жараёнини компенсатор зўриқиши тўғрисида далолат берувчи гемодинамика кўрсаткичларини ўзгариши кузатилади ва юрак уриши тезлашиши билан, артериал босимни кўтарилиши билан, шунингдек систолик қон ҳажмини камайиш тенденциясида намоён бўлади, бу юрак-қон-томир тизимининг функционал захираларини кучсизланиб қолганидан далолат беради. Юрак-қон-томир тизимини кўрсаткичларини ўзгаришини яққол намоён бўлиши иш стажига қараб ортиб боради: 10 йилгача бўлган иш стажидан максимал артериал босим иш динамикасида 4,5% гача ортиб боради фонлидан ишчи даражагача, иш стажини 20 йилгача бўлганда 7,5% гача, иш стажини 20 йилдан ортиқ бўлганда 8,6% га ортади, ишга боғлиқ бўлган аналогик ўзгаришлар минимал артериал босим кўрсаткичлари бўйича кузатилади.

Меҳнат шароити ва меҳнат жараёни тавсифи ишлаётган аёлларда иш куни динамикасида марказий асаб тизимида тормоз жараёнларини ривожланишини келтириб чиқаради, кўрув-мотор реакцияларини кўрсаткичларидаги ўзгариш физиологик силжишларни руҳсат этилган катталикларидан ортиб кетади, бу физиологик силжишларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдоридан аҳамиятли даражада ошиб кетади, бу табақалаштиришдаги хатоларни ортиши билан кечеди ва ишлаб чиқаришдаги толиқишнинг яққолроқ намоён бўлишини кўрсатади. Иш куни динамикасида ишлаётган аёлларни диққат функциясини тавсифловчи кўрсаткичлар ёмонлашиб боради: йўл қўйилган хатолар кўпаяди, топшириқни бажариш вақти узаяди.

Шу нарса аниқландики, гренаж ишлаб чиқариш корхоналарида асосий касбий гуруҳдаги аёллар томонидан бажарилаётган ишлар яққол намоён бўладиган қўл панжасининг кучи ва мушак бардошлилигини пасайишига олиб келади, бу ишлаб чиқаришда толиқиб қолиш ривожланаётганидан далолат беради, қўллар титрашининг кучайиши аёлларнинг координацион функцияси барқарорлигининг пасайиши ва кўрув анализаторининг мия қобиғини қисмини лабиллигини пасайишига олиб келади.

Шунингдек, меҳнат шароитлари терморегуляцияни аҳамиятли даражада зўриқувчанлигини юзага келтиради, у иссиқлик чиқишининг бузилиши, самарасиз тер ажралиши, тана ҳароратининг ва терининг ўртача тортилган ҳароратининг кўтарилиши, иссиқлик ҳолатини субъектив баҳолашнинг ёмонлашувида намоён бўлиши аниқланган. Терморегулятор тизимини функционал ҳолатини кўрсаткичлари иш кунини охирига келиб йўл қўйилиши мумкин бўлган иссиқлик ҳолатини юқори чегара мезонларидан ортиб кетади

Диссертациянинг «Ипак йиғириш ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат шароитини тавсифи, уларни ишлаётган аёлларнинг организмни функционал ҳолатини динамикасига таъсир кўрсатиши» деб номланган бешинчи бобда меҳнат шароити, иш қобилияти динамикасининг маълумотлари, ипак йиғириш ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий касбий гуруҳлардаги (курутувчилар, титувчилар, тасмачилар, хом ип ясайдиганлар, ип пишитувчилар, йиғирувчилар, ипни ўровчилар, газ билан куйдирувчилар) ишловчи аёлларда организмни руҳий-эмоционал ҳолати ва турли (марказий асаб, юрак-қон-томир, асаб-мушак, терморегулятор, кўрув анализатори, диққат-эътибор функцияси) функционал тизимларнинг функционал ҳолатининг кўрсаткичлари келтирилган.

Ипак йиғиришни асосий участкаларини ҳаво муҳитини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳавони ипак чанги билан юқори чангланганлиги тайёрлаш, йиғириш, бир-бирини такрорлаш участкаларида ва куйдириш участкаларида ўз ўрнига эга. (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Асосий ипак йиғириш ишлаб чиқариш участкаларида ҳавони чанглилик ва газланганлик кўрсаткичлари

Участка номи	Чангнинг концентрацияси мг/м ³ да		Углерод оксиди концентрацияси мг/м ³ да		Охирги чегарадаги углеводородларни қайта ҳисоблаш С, мг/м ³ да	
	n	M±m	n	M±m	n	M±m
қайнатиладиган	25	2,2±0,1	-	-	-	-
тайёрлайдиган	25	12,8±1,2	-	-	-	-
бир-бирини такрорлаш	24	7,0±0,1	-	-	-	-
йиғириш	24	7,8±0,2	-	-	-	-
пишитиш	20	5,4±0,2	-	-	-	-
ип ўрайдиган	20	5,4±0,1	-	-	-	-
куйдириш	14	8,6±0,4	12	28,4±1,6	12	330,6±2,4

Ипак йиғириш ишлаб чиқариш корхоналаридаги асосий касбий гуруҳлардаги аёлларни меҳнат шароитини акустик тавсифи бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, энг аҳамиятга эга ишлаб чиқариш омилларидан бири шовқин ҳисобланади, унинг умумий

даражаси турли хил ишчи жойларда йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан 3 дан 7 дБ гача ошиб кетади (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Асосий ипак йигириш ишлаб чиқариш участкаларида шовқиннинг кўрсаткичлари

Участка номи	Октава чизиқларида ўртача геометрик частотали шовқин даражаси (дБ)								Шовқиннинг умумий даражаси
	65	125	250	500	1000	2000	4000	8000	
қайнатиладиган	70	76	78	83	82	80	76	70	87
тайёрлайдиган	65	72	76	82	81	79	73	68	86
йигириш	71	76	79	84	83	80	76	71	88
бир-бирини тақрорлаш	70	76	78	80	79	76	73	69	84
пишитиш	76	80	86	90	89	86	81	73	94
ип ўрайдиган	68	71	74	82	81	78	73	68	86
куйдириш	71	79	84	90	88	83	81	72	83

Бундан ташқари, барча касбий гуруҳдаги ишчи аёллар етарли бўлмаган ёритилганликнинг ноҳўя таъсири, қиздирувчи микроиклим, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриққанлиги остида бўладилар, меҳнат шароити учинчи даражали зарарлиликнинг учинчи синфига мансуб.

Ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарида асосий касбий гуруҳдаги ишловчи аёлларни иш куни динамикасида ип узилишини бартараф қилиш учун сарф бўладиган вақтини кўпайганлиги аниқланди (ўртача 24,4% га), бу иш қобилияти даражасини аҳамиятли равишда пасайиб кетганидан ва ишчи аёлларни толиқиб қолиши юқори эканлигидан далолат беради (6-жадвалга қаранг). Янаям яққол ифодаланган ўзгаришлар ипни пишитувчиларда аниқланган, улар бошқа касбий гуруҳ ишчи аёлларига қараганда жуда ҳам ёмон шароитларда ишлайдилар (шовқиннинг анча юқори даражаси, паст ёритилганлик, юқори ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги).

6-жадвал

Ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарида асосий касбий гуруҳдаги ишловчи аёлларни ип узилишини баргараф қилиш тезлигини ўзгартириш

Касблар	Ип узилишини баргараф қилиш вақти (сония)								
	1 соат	2 соат	3 соат	4 соат	5 соат	6 соат	7 соат	8 соат	Ишончлик
	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	P < 2-9
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
ип йигирувчилар	9,3±0,1	6,3±0,6	8,9±0,5	10,2±0,7	9,3±0,7	8,3±0,2	8,9±0,2	10,8±0,2	0,01
ип ўровчилар	2,4±0,2	10,8±0,4	11,2±0,5	12,0±0,7	12,5±0,6	12,8±0,1	13,4±0,1	14,3±0,5	0,01
ипни пишитувчилар	11,2±0,4	11,0±0,3	12,4±0,6	13,0±0,7	3,2±0,6	14,4±0,3	14,8±0,1	15,8±0,8	0,01

Ипак йигириш ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчи аёлларни меҳнат қилиш жараёнида рухий-эмоционал ҳолати ёмонлашди ва бу ўзгаришлар бош оғриғига, бўшашганлик ва толиқиш каби шикоятлар билан кечган.

